

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Интилиш

Ўрта чирчиқлик Бобур Каримов раҳбарлигидаги "El max" оилавий корхонасида комплект трансформатор подстанциялари ишлаб чиқарилади. Фаолиятини бошлаганига кўп вақт бўлмасада, корхона маҳсулотларининг донги бошқа вилоятларга ҳам етиб борди, буюртмалар сони кўпайди.

Оилавий корхона: МЕҲНАТ, РАҒБАТ, ДАРОМАД



— Режаларимиз катта, — дейди Бобур Каримов. — Ҳозир биз трансформаторга подстанциялар йиғайтган бўлсак, кейинчалик трансформатор ҳам ишлаб чиқармоқчимиз. Қолаверса, маҳсулотимиз турини кўпайтириш ва аҳоли учун янги иш ўринлари

яратишни ният қилганмиз. Шунингдек, яна янги дастгоҳлар сотиб олиб, турли хил электр техника жиҳозлари ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Энг катта мақсадимиз, экспортни йўлга қўйиш. Айни кунларда, қозғонлик ҳамкорлар билан

музокара олиб бораёмиш. Бугунги кунда корхонада меҳнат қилаётган 10 га яқин ишчининг барчаси қариндош-уруғлар. Корхона фаолиятини кенгайтиргач, яна янги иш ўринлари яратилади. — Мен 25 йилдан бери

электр соҳасида ишлайман, — дейди корхона иш бошқарувчиси Туроб Азизов. — Биринчи навбатда, ишлаб чиқараётган маҳсулотимизнинг сифатли ва чидамли бўлишига эътибор қаратамиз. Биз, асосан, буюртма бўйича ишлаймиз ва харидорлар талабини тўлиқ

қондиришга ҳаракат қиламиз. Хусусан, олти ой ичида 50 дан ортиқ трансформатор подстанцияларини ясаб, ўз эгаларига етказиб бердик. **Зухриддин РАҲМОНОВ,** "Тошкент ҳақиқати" мухбири Мансур ХИММАТОВ олган суратлар

Бандлик

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қартилган.

ИШЛИНИНГ ДАРОМАДИ БУТУН

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 24 майдаги "Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самардорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Сўнгги йилларда бандлик тизимининг ҳуқуқий базиси мустаҳкамланиб, фуқароларимизнинг иш жойига эга бўлишлари учун иқтисодий ва ижтимоий томондан кенг имкониятлар, имтиёз ва қулайликлар яратиб берилмоқда. Бунинг самараларини жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида амалга оширилган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

— "Ишнинг даромади бутун, дастурхон тўкин", деган гап бор. Зеро, ўз иш жойига эга фуқароларнинг оиласидан ҳам, эртасидан ҳам кўнгли тўқ бўлади, — дейди вилоят Бандлик ва меҳнат муносабатлари бош бошқармаси шўба бошлиғи Зухриддин Қуролов. — Шунинг учун ҳам вилоятимизнинг жойлардаги Бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан белгиланган ҳудудий дастур ижросини таъминлаш масаласига устувор аҳамият берилмоқда. Хусусан, 2018 йилнинг 10 ойи давомида 35 минг 237 нафар кишига амалий ёрдам кўрсатилиб, рўйхатга олинган фуқаролардан 34 минг 16 нафарининг бандлиги таъминланди. Шуниси эътиборга молики, уларнинг 19 минг 188 нафари янги ишлаб чиқаришларни очиб, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш, кўп тармоқли фермер хўжалик-

ри ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ҳисобидан ишли бўлди.

Мавзуга оид яна бир эътиборга молик рақам: ўтган даврда вилоятимизда аёллар учун 15 минг 379 та, ёшлар учун эса 14 минг 178 та иш ўрни ташкил этилди. Шунингдек, меҳнат бозорида талабга эга бўлган мутахассисликлар бўйича касб-га тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ишсизларнинг меҳнат бозоридagi рақобатбардошлигини кучайтириш ва иш билан таъминлаш мақсадида 2018 йилнинг 10 ойи давомида туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказлари орқали 1 минг 370 нафар ишсиз фуқаролар иқтисодиётда талаб этилаётган мутахассисликлар бўйича касбга тайёрланди.

Бундан ташқари, Бандлик марказларининг сайё-ҳаракатлари билан меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган ва ижтимоий муҳайфага муҳтож тоифаларга кирувчи фуқароларни иш билан таъминлаш учун туман, шаҳар ҳокимликларининг қарорларига мувофиқ, йил давомида корхона, ташкилот ва муассасаларда 10 минг 904 та иш ўринлари захираланди ва улардан мақсадли фойдаланилмоқда. Масалан, январь-октябрь ойлари давомида ушбу иш ўринларига жами 8 минг 486 нафар киши ишга жойлашди.

Давоми 2-бетда

Бизнинг суҳбат

Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили ҳам поёнига етиб бормоқда. Ушбу йил халқ хўжалигининг барча соҳалари каби қишлоқ хўжалигида ҳам кенг қамровли инновацион янгиланишлар палласи бўлди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Бу борада жорий йилда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган қишлоқ хўжалигида инновацияларни қўллаб-қувватлаш ва инновацион технологияларни ривожлантириш "Agroinnovatsiya" жамғармаси олдидан ҳам бир қатор долзарб вазифалар турибди. Мухбиримиз бир неча саволлар билан мазкур муассаса раиси Маҳмуд Тоировга мурожаат қилди.

Инновацион ғоялар: ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

— Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил якунида Парламентга йўланган мурожаатномада тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалий тадбирларни кенг миқёсда қўллаш устувор йўналиш касб этган эди, — дейди М. Тоиров суҳбат аввалида. — Шу жумладан, Ўртабосимиз аграр соҳани жадал ривожлантириш, унга хорижий инвестицияларни олиб кириш, соҳага инновацион технологияларни кенг жорий этиш каби масалаларни кун тартибига қўйди. Ушбу вазифаларни бажариш, мамлакатимиз аграр соҳасини ривожлантириш, унинг келажақ тараққиёти учун ҳисса қўшиш мақсадида, ташаббускор дўстларимиз томонидан "Agroinnovatsiya" жамғармаси жамоат бирлашмасини ташкил этишга қарор қилиб, ушбу ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказдик.

Давоми 2-бетда

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА ЁШЛАР МАРКАЗИ

Ҳар қайси давлат, ҳар қайси жаҳият ўзининг эртанги истиқболини соғлом ва баркамол авлод тизимида кўради. Келажақ бугундан бошланади, деганларидек, жисмонан баркамол, маънан етуқ, замонавий билим ва тараққиёт ютуқларини чуқур эгаллаган, иродаси мустаҳкам авлодчи воёга етказётган мамлакатнинг эртаси ёруғ, келажаги нурафшон бўлади.

Ғамхўрлик

Юртимизда айни вақтда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнини, хусусан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини ташкил этувчи ёшларимиз иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бу фикрлар ўтган ҳафта якунида Чирчиқ шаҳрида барпо этилган Ёшлар маркази саройининг фойдаланишга топширилишига бағишланган тантанали маросимда алоҳида тилга олинди.

Айтиш жоизки, мазкур муассасанинг тубдан қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширили-

ши Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда вилоят ҳокимлигининг яқин ҳамкорлиги самараси бўлди. Бутунлай янги ва замонавий масканга айланган марказда ёшларнинг тил ўрганишига, касб-хўнарга эгаллашга бўлган қизиқишлари ҳисобга олиниб, рус, инглиз, корейс тиллари, тасвирий санъат, математика, компьютер саводхонлиги, шахмат, тикувчилик-дизайнерлик, рақс, ҳарбий ватанпарварлик каби турли тўғрақлар иш бошлади. Учга фаоллар ва анжуманлар зали, замонавий кутубхона ва бошқа бир қатор хоналар эртанги давомчилари хизматига шай ҳолга келтирилди. Бу ерда ташкил этилган тўғрақлар 500 нафардан ортиқ чирчиқлик



навқирон авлод вакиллари-нинг бандлигини таъминлашга, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга хизмат қилишининг ўзи марказнинг шаҳар ёшлари ҳаётида нечоғлик муҳим ўрин туттишидан далолатдир.

Кези келганда, шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ёш авлоднинг порлоқ истиқболига хизмат қилувчи бу каби хайрли ишлар нафақат Чирчиқ шаҳрида, балки бутун вилоятимиз бўйича кенг қулоч ёзмоқда. Масалан, шу кунларда вилоятимизнинг маъмурий маркази — Нурафшон шаҳ-

рида ҳам энг замонавий андозлар асосидаги Ёшлар маркази қад ростлаётган. Бу марказ қурилиши учун 17 миллиард сўм миқдоридан маблағ ажратилганининг ўзиёқ эртага унинг қандай салобат ва имкониятларга эга бўлишини англатиб турибди. Мутаасаддилар уни келаятган янги йилнинг Наврўз байрами кунларида фойдаланишга топширишни мақсад қилишган.

Тантанали маросимда вилоят ҳокимининг ўринбосари Одиложон Тожиев иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ ТЎКИН БЎЛАДИ

Ярмарка

Мамлакатимизда ҳар бир байрамни кўтаринки кайфиятда кутиб олиш мақсадида арзонлаштирилган савдо ярмаркалари ташкил этиш яхши анъанага айланган. Янги йил шукуҳи кезиб юрган айни кунларда аҳолига қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини нисбатан арзон нархларда етказиб бериш учун вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида шундай ярмаркалар ўтказилмоқда.

Янгийўл шаҳридаги деҳқон бозорида ташкил этилган ярмарка ҳам харидорлар ва сотувчилар билан гавжум. Бу ерда чорвачилик, паррандачилик ва қандолат-

қилдим. Сифати яхши, нархи ҳамёнбop. Бундай ярмаркалар деҳқон ва тадбиркорлардан халқимиз учун ҳақиқий байрам тухфаси бўлмоқда.

чилик маҳсулотлари, байрам дастурхонини безайдиган сархил мевалару сабзавотларнинг анча арзонлиги барчага маъқул бўлаяпти.

— Рўзғорга шу ердан бозор қиламиз, — дейди янгийўллик Норҳўжа Асамов. — Бугун ярмаркадан гўшт, тухум, картошка ва пиёз харид

Ярмаркага қунига тадбиркорлар, фермерлар ва "Янгийўл тайёрлов" шўба корхонаси томонидан янги маҳсулотлар олиб келиниб, бозор расталари тўлдирилмоқда. Нарх-наво қаттиқ назоратга олинган. Маҳсулотлар ҳар қуни эрталаб махсус лаборатория текширувидан ўтказилиб, кейин сотувга қўйилади.

— Савдо ярмаркамизда қунига ўртача бир ярим тонна картошка ва пиёз, бир тонна сабзи, икки минг килограмм хўл мева, беш юз килограмм гўшт сотилмоқда, — дейди "Янгийўл шаҳар деҳқон бозори" масъулияти чекланган жа-



ARZONLASHTIRILGAN SAVDO YARMARKASI



мият раҳбари ўринбосари Мухсин Тешабоев. — Харидорлар кўпчилигидан сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмаяпти. Нархи арзон бўлгани учун гўшт растаси одамлар билан тўла. Байрам кунлари талабга қараб, маҳсулотлар тури ва миқдорини оширишни режалаштирганмиз. Дарвоқе, мазкур бозор жорий йилда реконструкция қилиниб, ин-

фратузилмаси тубдан янгиланди. Қурилиш ишларига жами 42 млрд. сўм маблағ сарфланиб, 224 та дўкон ва 1 минг 300 та савдо ўрни қурилди.

Байрам ярмаркаси 2019 йил 5 январгача давом этади.

Зухриддин ҚАМБАРОВ
Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар

Муносабат



Мохира РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Оккўргон қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи ўқитувчиси, "Шуҳрат" медали соҳибаси:

– Президентимиз маърузаларида яна бир бор таълим-тарбия масаласи энг устувор йўналишлардан бири бўлиб қолишини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, таълим тизими сўнгги икки йилда мутлақо янги асосда ислоҳ этилиб, болаларга ёшларидан пухта ва мукамал билим беришни сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида соҳанинг барча бўғинларидаги ишлар асосли ташкил этилмоқда.

Жумладан, қисқа вақт ичида педагог-ўқитувчилар учун муносиб меҳнат шaroитини яратиш, уларнинг оиллик маошларини ошириш бўйича тизимли ишлар бажарилди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 14 августдаги "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон" халқаро анжумани

манлар саройида ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқи жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

ХАЛҚИМИЗ ДИЛИДАГИ ГАПЛАР

Бу бежиз эмас. Давлатимиз раҳбарининг маърузасида юртимизда кейинги йилларда суд-хуқуқ, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва бошқа соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар жараёни чуқур таҳлил этиб берилди. Унда келтирилган рақамлар, натижалар ва

истикболда белгилаб олинган йўналишлар ҳақиқатан ҳам китобнинг кўксини фахру ифтихорга тўлдирди. Бош Қомусимизга таянган ҳолда ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегия-

си том маънода мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг янги даврини бошлаб берди.

Куйида вилоятимизда турли соҳаларда фаолият олиб бораётган юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазалари билан танишинг.

Равшан ТОШМАТОВ,
Тошкент давлат техника университети магистранти, "Келажак бунёдкори" медали соҳибаси:

– Ҳеч муболағасиз айтишим мумкинки, давлатимиз раҳбари томонидан берилаётган доимий эътибор ва рағбат туфайли кейинги йилларда мамлакатимиз ёшлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, илм олиш билан бирга барча соҳаларда ўзларининг салоҳият ва интилишларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шaroитлар яратиб берилмоқда.

Мен ёшлари эъзозланаётган мана шундай жаннатмакон юртининг фарзанди эканлигимдан ғурур ва ифтихор туяман. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ёшларнинг ҳар кунини – бир имконият, бир мўъжиза. Бугунги кунда устозларим раҳбарлигида магистрлик илмий диссертацияси устайда изланаётган. Диссертациямда "Пўлат прокати кучлинишни аниқлашда математик модель яратишнинг назарий асослари" мавзуси ўрганилмоқда. Бу техника ва металлургия соҳасида яна бир янгилик бўлиб,

унга хорижий мутахассислар томонидан ҳам катта қизиқиш билдирилмоқда.

Илмий ишим юзасидан матбуот саҳифаларида бир неча мақолаларим чоп этилди. Шунингдек, нуфузли илмий анжуманларда, хусусан, яқинда Беларусь миллий техника университетида бўлиб ўтган халқаро конференцияда ўз маърузам билан иштирок этдим. Ўзим металлургия шаҳри – Бекободда туғилиб, вояга етдим. Ниятим, шу соҳада илмий ишларимни давом эттириб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдир.

Изланиш ва саъй-ҳаракатларим муносиб тақдирланиб, "Келажак бунёдкори" медали билан мукофотландим. Билдирилган ишонч ва эътибор янада баланд марраларга ундайди.

Президентимизнинг куйидаги сўзлари ширимга айланди: "Биллими авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир".

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
Тошкент ҳақиқати мухбири

МАОШ ҲАМ, ПЕНСИЯ ҲАМ БУТ БЎЛДИ

Президентимизнинг "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони биноан, 2019 йилдан эътиборан пенсия тўловининг юқори чегараси энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробаригача оширилиши ҳамда ишлаётган пенсионерларга нафақа тўлиқ миқдорда тўланиши белгиланди. Бундан барча ҳамюртларимиз, айниқса, пенсионерлар жуда хурсанд бўлишди. Буни уларнинг дил сўзларидан ҳам англаш мумкин.



Эътибор

Захро АҲМЕДОВА,
Ўқитувчи,
Зангиота тумани:

– Юртбошимизнинг Фармони биз, пенсионерларга кенг имконият яратмоқда. Энди ишлаётган пенсионерлар ҳам ойлики, ҳам пенсиямизни тўлиқ оладиган бўлдик. Нурунийлар учун бундан ортиқ ғамхўрлик бўладими?

Ўзим кўп йиллар мактабда ўқитувчилик қилиб, пенсияга чиққан эдим. Аммо, уйда ўтиролмайман, ҳозир яна ишлаяпман. Ҳовлимдаги мўъжизагина иссиқхонам бўш ётганди. Энди ойлигим ва пенсиямни тўлиқ олиб, шунга эртани сабзавотлар экман. Оилам бюджетига катта ҳисса қўшаман.

Аъзамжон УСМОНОВ,
пенсионер, Янгийўл тумани:

– Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳада бўлаётган ўзгаришлар негизда фуқароларга ғамхўрлик кўзда тутилмоқда. Президентимизнинг Фармонларига қўра, ишлаётган пенсионерларга келаси йилдан нафақанинг тўлиқ тўланиши кўпчиликнинг дилидаги ғал бўлди.

Ёшим 62 да. Ҳозир ҳам ишлайман. Оллоҳга шукр, фарзандларимизни уйли-joyли қилиб, анча тинчиганмиз. Аёлим билан Ҳаж зиёратига боришни ният қилиб, ўтган йили маҳалладан навабга ёзилган эдик. Энди иккимиз ойлик ва нафақамиздан жамғариб, шу зиёратни адо этмоқчимиз. Бизга шундай имкониятлар яратиб бераётган давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз.

ИШЛИНИНГ ДАРОМАДИ БУТУН

– Шаҳар Бандлик марказига ўз эгаллаган касбим бўйича ишга жойлаштириш ёрдам сўраб мурожаат қилдим, – дейди ангрелик ўрта-маҳсус маълумотга эга мутахассис Дилфуза Умрзоқова. – Марказ ходимлари томонидан мурожаатим дарҳол қўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилганидан жуда мамнун бўлдим. Айни пайтда шахримиздаги 1-сонли оилавий поликлиникада ишламоқдам.

Шу ўринда вилоятимиз ҳудудларидаги бандлик марказлари томонидан фуқароларни қабул қилиш, ариза ва мурожаатларини қўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилаётганини ва бу борада замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш йўлга қўйилганини айтиб ўтиш ўринли бўлади. Бу тизим, аввало, ҳар бир мурожаатнинг эътибордан четда қолмаслигини таъминлаётган бўлса, иккинчидан, белгиланган муддатда қўриб чиқилишини назоратга олмақда.

Айни пайтда жойларда марказлар томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда фуқароларга, айниқса, ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли микрокредитлар ажратиш, ягона дарча марказларида давлат рўйхатидан ўтишларига қўмаклашиш, замонавий ишлаб чиқариш ускуналари ва жиҳозларини харид қилиш, бўш турган бинолар тўғрисида маълумотлар билан таъминлаш, меҳнат ва солиқ қонунчилиги ҳамда унда белгиланган имтиёзлар тўғрисида маслаҳатлар ва амалий ёрдам бериш ишлари ташкил этилмоқда.

Албатта, дастур доирасида аҳолини иш билан таъминлашда туман, шаҳар ҳокимликлари, про-

кура тура ҳамда бандликка қўмаклашиш марказлари ташаббуси билан меҳнат ярмаркаларининг ўтказиб борилаётгани ҳам алоҳида ўрин тутди. 2018 йилнинг 10 ойи давомида ташкил этилган 79 та бўш иш ўринлари ярмаркаларида 2 минг 661 та корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларида мавжуд бўлган 30 минг 596 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмаркаларда қатнашган 13 минг 686 нафар фуқаронинг 3 минг 275 нафарига ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди.

– Касб-хунар коллежини битиргач, маълум сабабларга қўра, вақтинчалик ишсиз қолдим, – дейди бекободлик фуқаро Наргиза Рустамова. – Яхши одамлар бандлик марказига мурожаат қилишни тавсия этишди. Янгилашган эканман, уларнинг кўмаги билан уч кун ичида шахримиздаги "Бетакрор мовий осмон" масъулияти чекланган жамиятига мутахассислигим бўйича ишга жойлашдим.

Албатта, фуқаролар доимий иш жойига, барқарор даромадга эга бўлишлари учун белгиланган вазибалар ижросини таъминлаш зарур бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, вилоят Бандлик маркази томонидан иш бериувчилар учун меҳнат органлари кўрсатаётган хизматларнинг сифатини ошириш, шахсий бизнесини ташкил этишни хошловчи, илк бор меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш, банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, уларни оилавий тадбиркорлик ва хунармандликка жалб этиш бўйича изчил амалий чоралар кўрилмоқда.

Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА

Вилоят бўйлаб

Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди

Вилоят Касаба уюмлари ташкилотлари бирлашмаси томонидан шаҳар, туман ва маҳаллаларда "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди" акцияси доирасида ижтимоий йўналишдаги тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Бундай тадбирларда Меҳрибонлик уйлари, ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаблар тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар, елғиз кексалар, ногиронлиги бўлганлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, Саҳоват ва Муруват уйларида яшовчи кексалар ҳолдан хабар олинмоқда.

Мазкур акция доирасида жорий йилнинг декабрь ойида Нурафшон шаҳридаги ногиронлиги бўлган фуқаро Ф. Курбоновга газ плитаси топширилди. Бир гуруҳ кам таъминланганларга 3,5 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Шунингдек, вилоят Касаба уюмлари ташкилотлари бирлашмаси томонидан Кўзи оқизлар жамияти вилоят бўлимига ҳам совғалар ажратилди.

Маҳаллада янги тикув цехи

Пискентлик М. Узоқов Ёшлар иттифоқи туман кенгаши кўмагида "Yoshlar – kelajagimiz" жамғармасидан 180 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, "Бирлик" маҳалласи ҳудудида янги тикувчилик цехини ишга туширди.

Замонавий тикув машиналари ўрнатилган цехда 30 нафар маҳаллий хотин-қиз доимий иш билан таъминланди. Айни пайтда бу ерда маҳсул иш қийимлари ва курткалар тикилмоқда.

– Ишчиларнинг аксариятини касб-хунар коллежини битирган қизлар ташкил этади, – дейди М. Узоқов. – Маҳсулотларимиз сифати хорижийлардан қолишмайди. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари яратишни мўлжалламоқдамиз.

Балиқ бозори қайта қурилди

"Янги Чиноз балиқ бозори" анча йилдан бундан ташландик аҳволда эди. Бу ерда сотувчилар ва харидорлар учун ҳеч қандай шароит яратилмаганди.

Ушбу эски балиқ бозори ўрнида уч ойда замонавий ва кўркам қиёфага эга янги бозор қад кўтарди. Бу ердаги бунёдкорлик ишлари "Gamud Biznes" қурилиш ташкилоти томонидан амалга оширилди.

Қурилиш ишлари учун тижорат банкнинг 1 миллиард 480 минг сўмлик кредит маблағи йўналтирилди. Ҳудудда тирик ва дудланган балиқларни сотиш учун мўлжалланган асосий павильон ва расталардан ташқари, 2 та ошхона, 72 та сунъий ҳовузча ҳам барпо этилган. Бу бозорда савдо-сотик билан шуғулланувчи сотувчилар ва харидорларга катта қулайлик яратди.

Ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди

Дарвоқе, тўқсонбостининг моҳияти нима ва қандай афзалликлари бор? Аввало, бу усул ёрдамида режадаги экинни ноябрь ёки декабрь ойларида экиб олиш имконияти мавжуд. Амалиётнинг кўрсатишича, бу даврда ерга ташланган уруғнинг униб чиқиши ва ривожланиш жараёни бир ой олдинга сурилади, экин қиш бўйи қор остида қолиб, етарлича куч тўплайди, яхши ўсиб эрта етилади. Энг муҳими, ҳосилдорлик ўртача 20-22 фоиз юқори бўлади. Халқимизнинг "Тўқсонда суғорсанг, тўқсон ботмон ҳосил оласан", деган ҳикмати ҳам шундан келиб чиқиб айтилган. Шунинг учун ҳам қадимдан ота-боболаримиз ҳосил кеч кузда йиғиштириб олинган ерларга шу усулда пиёз, сабзи, қўқат ва турли резаворлар уруғини ташлашган ва йил давомида ердан икки марта, баъзи тезпишар экинларни уч мартотабағача экиб, мўл ҳосил олишга эришишган.

Таъкидлаш керакики, сўнгги йилларда фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда аҳоли томонқаларида тўқсонбости усулида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, сабзавотнинг эртапишар, серҳосил навларини етиштириш билан боғлиқ тажрибалар амалиётга тобора кенг татбиқ этилмоқда. Уни сифатли амалга ошириш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, жойларда мавзуга оид назарий ва амалий семинарлар ташкил этилмоқда. Бунинг самараларини томонқалардаги ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Аграр соҳага юқори самарали инновацияларни жорий этишга қаратилган аҳамиятли лойиҳаларни амалга ошириш ва қўллаб-қувватлаш юқори самарали ускуналар ва ноу-хау технологияларни жорий этишни рағбатлантириш асосий вазибаларимиз сирасидандир. Авваломбор, инсонлар соғлигини сақлаш, табиатдан, энергия ресурсларидан, сувдан оқилона фойдаланиш, муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этишга қаратилган лойиҳаларга алоҳида эътибор берамиз. Илмий, илмий-техник, таълим дастурларини амалга оширишда ҳам иштирок этиш ниятидамыз. Шахсий ўқув марказларини ташкил этиш йўли билан аграр соҳа вакилларининг касбий даражасини оширишга қўмаклашамиз.

Айтиш жоизки, жамоамиз юқори малакали, нуфузли ташкилотларда анча вақт мобайнида меҳнат қилган мутахассис-

Маълумотларга қўра, вилоятимиздаги 782 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги 401 минг 883 та хонадонда 29 минг

Дарвоқе Тўқсонда суғорсанг, тўқсон ботмон ҳосил оласан

Вилоятимиз миришкорлари қишлоқ хўжалиги экинларини тўқсонбости усулда етиштиришнинг ҳаддини олиб, анча тажриба ҳам орттиришди. Айни кунларда жойлардаги фермерлар, деҳқон хўжаликлари ва томонқалар томонидан бу йўналишдаги ишларнинг кўлами ортиб, қатор чора-тадбирлар амалга ошириляпти.



738 гектар томонқаларда мавжуд бўлиб, 2019 йил ҳосили учун жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида 11 минг 895 гектарига тўқсонбости усулда сабзавот ва резаворлар экилиши белгилаб олинган. Экинларнинг 90 фоиздан ортиғи очик майдонларда, қолган қисми боғ ва ток қатор оралари ҳамда иссиқхоналарда етиштирилади. Бундан кўзланган асосий мақсад, нафақат юртимиз аҳолисини эртапишар ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, балки эрта қўқламда ҳам хорижга маҳсулот чиқаришни йўлга қўйишдан иборат. Энг муҳими, янги усул томонқалар

оиламиз билан асосий ишмиздан ташқари, 4 сотих томонқаларда деҳқончилик қиламиз, – дейди Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшовчи Бахтиёр Толипов. – Бўш майдонларга кеч кузда тўқсонбости усулда дастлаб сабзавот ва резаворлар, хусусан, пиёз, редиска ва қўқатлар экилади. Ушбу ҳосил февраль ойининг охирида йиғиштириб олинган, ўрнига сабзи экилади, июнь ойида бўшаган ерни кечки картошка экишга тайёрлаймиз. Шу тариқа, бир майдонда мунтазам уч марта ҳосил етиштириб, ҳар йили ўртача 15-20 миллион сўм қўшимча даромад олаёلمиз.

Ўз мухбиримиз

лардан иборат. Шу туфайли, қисқа муддатларда турли хўжатлар тайёрлади ва уларни тегишли ташкилотларга тақдим этдик ҳамда бир нечаси бўйича ижобий натижага эришдик

Инновацион ғоялар: ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

ҳам. Масалан, давлат идоралари билан ўзаро ҳамкорликини кучайтириш мақсадида, республикамизнинг бир неча вазирилик ва муассасалари ўртасида Меморандум лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда ушбу ташкилотларга ўрганиш учун юборилди. Газета ва журналларда қишлоқ хўжалигида инновацияларни жорий этиш бўйича бир қатор мақолалар чоп этилди.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, кунги кеча жамоат бирлашмаимизнинг Сурхондарё минтақавий филиали давлат рўйхатидан

Бошланғич 1-бетда

ошириш ҳамда аҳоли ўртасида чиқиндиларга иккиламчи ишлов бериш учун микрокластер типидagi инновацион кичик корхона ташкил этиш", деб номланади. Ўзингиз танланган мавзудан

гувоҳ бўлиб турганингиздек, лойиҳада кўтарилган муаммо жуда долзарб ва истиқболлидир. Олдимизда турган вазибаларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилган танлов якунига қўра, тегишли грантни қўлга киритган. Шу ҳақда ҳам сўзлаб берсангиз.

– Ташкилотимиз ғолиб, деб топилган лойиҳа: "Тошкент вилоти Чиноз туманида аҳолини тиббий-гигиеник маданиятини

– Библиомизча, "Agro-innovatsiya" жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ИИТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилган танлов якунига қўра, тегишли грантни қўлга киритган. Шу ҳақда ҳам сўзлаб берсангиз.

– Ташкилотимиз ғолиб, деб топилган лойиҳа: "Тошкент вилоти Чиноз туманида аҳолини тиббий-гигиеник маданиятини

нидан ишлаб чиқилган "STORM" ёруғлик тутқичи, зарарли ҳашаротларни туттиш қўбилиятига эга бўлиб, унга қатор мутасадди ташкилотлар қизиқиб, фаол қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Бу ускунанинг афзаллиги, дала шароитида автоном ишлаш, масофадан туриб бошқарилиши, тутилган ҳашаротларнинг тури ва сони бўйича статистик маълумотлар базасини яратиб олишидир. Бу ускунага чет элдаги компанияларнинг ҳам қизиқиши катта.

Ҳозирги пайтда дунёда шифобахш табиий маҳсулотларга талаб ортиб бормоқда. Масалан, чинозлик бир фермер томонидан ажриқдан инновацион кофе ишлаб чиқариш лойиҳасига бизнинг ташкилот ёрдам қўлини чўзган. Насиб бўлса, ушбу лойиҳа Ўзбекистонда ноб кофе ишлаб чиқариш имконини беради.

Алишер РАҲМАТОВ
суҳбатлашди

Бошланғич 1-бетда

Маъмура опа автобусда кетаётганда, суҳбатдошдан бир табиб ҳақида эшитиб қолади. Ихлос билан ўша табибни қатнади. Мана, икки йилдирки, у бирор дори-дармон қабул қилмайди. Фақат Бўстонликда яшайдиган табибнинг гиёҳлардан тайёрлаган дамламаларини ичди. Муҳими, ундаги қанд миқдори меъёрига тушди. Ававалгидек, ҳолсизлик, танадаги оргилардан шикоят қилмапти.

Дарҳақиқат, орамизда табибларга қатнаб, улардан шифо топаётганлар ҳам бор. Маълумотларга кўра, халқ табибати беш минг йилдан буюн инсон саломатлигини яхшилашга хизмат қилиб келаётган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташқиоти ўтган асрнинг охириги йилларида халқ табибларини чуқур ўрганиш ва бу соҳадаги тадқиқотларни янада кенгайтириш бўйича бир неча қарорлар қабул қилгани бежиз эмас. Сабаби, табиблар ишлатадиган дорю малҳамларнинг 70-80 фоизи шифобахш ўсимликлардан яъни, табиатдан олинад.

Ҳозирда Япония, Вьетнам, Корея, Лаос, Малайзия каби 129 та мамлакатда халқ табибига давлат мақоми берилган. Яъни, бу фаолият қонун доирасида тартибга солинган. Масалан, Хитойда табибий хизматнинг 40 фоиздан ортиги табиблар томонидан кўрсатилади. Шунингдек, бу борада Германия, Хиндистон қонунчилиги бой тажрибага эга.

Аммо, қадимда бу борада устунлик Шарқ табибатида бўлган. Бунини дунё табибига улкан ҳисса қўшган, олим ва файласуф Абу Али ибн Синонинг башариятга қолдирган бебаҳо мероси мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

– Табиб – саломатликни асраш, даволаш ва дори-дармон билан боғлиқ амалиётни ифода этади, – дейди тарихчи Хуршид Жуманазаров. – Халқ табибати анъаналарининг пайдо бўлиши тўғрисидаги

қарашлар диний-мистик ва илмий-материалистик назарияга бўлинади. Биринчи гуруҳ тарафдорлари унинг пайдо бўлишини илк диний билмларнинг вужудга келиши билан боғлайдилар. Бунда шомонлар, қоҳинлар, ибодатхона руҳонийларининг даволаш билан шуғулланишига урғу берилади. Иккинчи гуруҳ эса табиб зарурат натижаси, яъни,

Мунозара

ТАБИБНИНГ ЎЗИ БЕМОР ЭМАСМИ?

Ўткир ва мураккаб касалликларни даволашда халқ табибати муҳим аҳамият касб этади, табибларнинг хизматлари аҳолининг турли қатламларида катта эҳтиёж сезилмоқда.

табиб инсон тафаккури ва жамият ривожини даволатишда муҳим аҳамият касб этади, табибларнинг хизматлари аҳолининг турли қатламларида катта эҳтиёж сезилмоқда.

Ватанимиз мустақилликка эришган, халқ табибати қайта тиклаш, Абу Али ибн Сино таълимотини замонавий табиб илми амалиётига таътиб этиш ва ундан инсон саломатлиги йўлида кенг фойдаланиш, ўтмишдаги табиблар фаолиятини ўрганишга имкон яратилди. Бунини 1996 йилда Халқ табибати академиясининг очилиши, 1999 йилда "Ибн Сино халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Президент Фармонининг қабул қилиниши мисолида ҳам кўриш мумкин. Бироқ, халқ табибати билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳат-

дан тартибга солилмагани тушунмовчиликларга сабаб бўлаётганлиги. Масалан, Конституцияда ҳар бир инсон малакали табиб хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги қатъий таъминланган. Малакали табиб хизмат эса 1996 йил 29 августда қабул қилинган "Фуқаролар соғлиқини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-мод-

дасида белгиланганидек, соғлиқни сақлаш тизими томонидан амалга оширилади. Шу ўринда ҳақиқат саволлар туғилади. Хўш, халқ табибати билан шуғулланаётган табибларнинг хизматлари малакалими? Соғлиқни сақлаш тизимида, ҳуқуқий ҳужжатларда табиблар фаолиятини тартибга солуви нормалар белгиланганими?

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, табиблардан даво топаётганлар қаторида, аксинча, саломатликларига зарар етганлар ҳақида ҳам эшитганмиз. ...Аноранинг белидаги қучли оргилар унга туну кун тинчлик бермасди. Бир неча йил аввал қўйилган ташхис – "диск хурраси"дан азоб чекиб юрган аёл дугонасидан касалини даволай оладиган табиб

дасида белгиланганидек, соғлиқни сақлаш тизими томонидан амалга оширилади. Шу ўринда ҳақиқат саволлар туғилади. Хўш, халқ табибати билан шуғулланаётган табибларнинг хизматлари малакалими? Соғлиқни сақлаш тизимида, ҳуқуқий ҳужжатларда табиблар фаолиятини тартибга солуви нормалар белгиланганими?

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, табиблардан даво топаётганлар қаторида, аксинча, саломатликларига зарар етганлар ҳақида ҳам эшитганмиз. ...Аноранинг белидаги қучли оргилар унга туну кун тинчлик бермасди. Бир неча йил аввал қўйилган ташхис – "диск хурраси"дан азоб чекиб юрган аёл дугонасидан касалини даволай оладиган табиб

дасида белгиланганидек, соғлиқни сақлаш тизими томонидан амалга оширилади. Шу ўринда ҳақиқат саволлар туғилади. Хўш, халқ табибати билан шуғулланаётган табибларнинг хизматлари малакалими? Соғлиқни сақлаш тизимида, ҳуқуқий ҳужжатларда табиблар фаолиятини тартибга солуви нормалар белгиланганими?

Пайшанба – профилактика куни

Давлатимиз раҳбарининг "Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан, мамлакатимизда бир қанча самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда.

КАМАЙГАНИ ЯХШИ, ЛЕКИН БИТТАСИ ҲАМ КЎП

Хусусан, бу борада виллоятимизнинг ҳуқуқ-тартибот тизимида ҳам муайян натижаларга эришилди, айни вақтда ўтган йилларга нисбатан жиноятчилик кескин камайган. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойи давомида виллоят ҳудудига жами 4 минг 228 та жиноят қайд этилиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1 минг 952 тага ёки 31,6 фоизга кам дегани. Бироқ, қасддан баданга оғир шикаст етказиш 3,9 фоизга кўпайишига йўл қўйилган.

Ўтказилган тадбирлар натижасида, виллоятдаги 1 минг 10 та маҳалладан 554 тасида бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган бўлса, лекин виллоятнинг 456 та, яъни 45,1 фоиз маҳаллаларида турли қўриқнишдаги жиноятлар содир этилган. Бундан ташқари, 9 ой давомида 71 минг 844 та турли хил ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, жами 52 минг 190 та маъмурий баённома тузилди ва 969 нафар ҳуқуқбузарлар маъмурий қамоққа олиниб, улардан 42 минг 876 нафарига жарима жазоси қўлланилган.

Шу давр мобайнида, виллоятдаги маҳалла посбонлари томонидан 4 минг 258 та ҳуқуқбузарлик, 2 минг 451 нафар қонунчи равишда яшаб к-

Ижтимоий эълон

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда маъсул ходимларини 2018 йил январь-декабрь ойлари учун қуйидаги:

– 3-sanoat shakli чораклик давлат статистика ҳисоботини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 1-санасидан кечиктирмай;
– 1-K shakli (ойлик), 2-invest shakli ва 1-K shakliga ilova (EI2) чораклик давлат статистика ҳисоботларини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 2-санасидан кечиктирмай;
– 1-qurilish shakli, 1-QX shakli, 1-BX shakli ва 1-transport shakli чораклик давлат статистика ҳисобот-

ҳақида эшитиб қолди. Шифокорлар муолажаси-ю, дори-дармон наф сезмаган аёл табиб хузурига шошди. Ҳақиқатан ҳам, у табибдан шифо топди, азоблардан қутулди. Аммо, секинчи узокқа қўйилмади. Икки ой ўтар-ўтмас аёл яна ётиб қолди. Шифокорлар унда бачадон саратонини аниқлашди. Касаллик сўнгги ойларида шиддат билан ривожлангани маълум бўлди.

Шундай ноҳушликлар бўлмаслиги учун энди саволни бошқача қўямиз: Аслида табиблик билан кимлар шуғулланиши мумкин?

Уларнинг табибчилигини тасдиқловчи ҳужжат, ишини баҳоловчи бирор ташкилот борми? Ёки уларнинг табиб диломи бўлиши керакми? Бир сўз билан айтганда, одамлар алданиб қолмаслик учун ҳақиқий табибни сохтасидан қандай фарқлайдилар?

Очиғи, аксарият табибларнинг дипломи йўқ. Уларнинг кўпчилиги ота-боболарининг ишини давом эттиради. Қолаверса, бир ухлаб туриб, табибликни бўйнига олганлар ҳам йўқ эмас...

Шу ўринда қуйидаги рақамларни келтиришни жоиз топдик: юртимизда ноанъанавий усулларда иш юритадиган табибларнинг сони 30 мингдан зиёд. Республикаимиздаги 4 минг 250 дан ортиқ хусусий табибий муассасаларининг 516 тасида халқ табибати усуллари қўлланилади.

Яқинда "Ўзбекистон Республикасида халқ табибати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди. Мана энди соҳадаги тартибсизлик, муаммолар, қарама-қарши саволлар ўз жавобини топиши аниқ. Қувонарлиси, қарорга асосан, халқ

табибати аҳолига табибий ёрдам кўрсатишнинг қўшимча усули сифатида тан олинадиган бўлди. Шунингдек, ушбу ҳужжат халқимизнинг халқ табибати борасидаги бой тажрибаси, салохиятидан самарали фойдаланиб, уни замонавий табибга уйғунлаштиришга замин яратди. Халқ табибати йўналишида хизмат кўрсатувчиларни ўқитиш, уларга замонавий табибдаги таххис ва даволаш муолажаларини тўлиқ қўллаш олишлари учун Республикадаги табибий олий ўқув юртиларининг "Даволаш иши", "Педиатрия иши", "Табибий педагогика иши" бакалаврият йўналишларида махсус ўқув дастурлари жорий этилиши аниқ мудоао бўлди.

Мазкур қарор юртимиздаги барча табибларни қувонтиргани рост. Бу ҳақда уларнинг ўзларидан эшитиш мақсадида Ўзбекистон халқ табибати академиясида бўлди. Бунини қарангки, юртимиздаги энг кўзга кўринган, "қўли енгил"лиги билан халқ орасида обрў топган табибларнинг кўпи академияда жам бўлишди. Улар қарор юзасидан Ўзбекистон телеканалларида эфирга узатиладиган "Мулоқот" кўрсатувига тайёргарлик кўришадиган экан. Вақтдан унумли фойдаланиб, биз ҳам уларнинг фикр-мулоҳазаларини қозғога туширдик.

– Афсус билан айтиш керакки, сўнгги вақтларда табибати бизнесга айлантираётганлар кўпаяётганлиги, – дейди Ўзбекистон халқ табибати академияси раиси Меҳри Нурузова. – Энди бунга чек қўйлади, фирибгарликлар барҳам топади, деган умиддамиз. Аввало, Президентимизга чексиз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Уларнинг халқимизни соғлом қилиш йўлидаги эзгу ниятлари, саъй-ҳаракатларининг самарасини бугун ҳаммамиз кўраёмиз.

Ирода НОРОБЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

эркинликлари ҳимояси, жамоат тартиби ва ҳавфсизлиги, мулкчиликни муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш самардорлигини таъминлайдиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ягона кўп поғонали тизи-

ми муваффақиятли йўлга қўйилгани катта самара бермоқда. Масалан, профилактика инспекторлари томонидан 409 та жиноят фаш этилиб, 84 нафар қидирувдаги шахс ушланди ҳамда 35 нафар бедарак йўқолган шахс аниқланди. Шу билан биргаликда 69 та қонунчи ўқотар қуроллар, 1 минг 399 нафар яшаш, иш ва ўқиш жойи ноаниқ бўлган шахслар аниқланиб, 1 минг 76 нафари реабилитация марказига жойлаштирилди.

Маҳаллаларда жиноятлар муҳофазаси атрофида олиб бориладиган жиноятчиликка қарши курашишда жамоатчиликнинг ўрнини ошироқда. Бундай маҳаллаларда ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини тушуниб бормоқда.

– Маҳаллаларда содир этилган жиноятлар юзасидан муҳофазалар олиб бориш катта аҳамиятга эга, – дейди Паркент тумани ички ишлар бўлими хузуридаги тергов бўлими катта терговчиси Бобур Қурбонов. – Бу ишчиорқиларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш баробарида, уларда жиноятчиликка муроасасизлик

ЧИРЧИҚ ЎЗБЕКИСТОН ПОЛВОНЛАРИНИ ЧОРЛАЙДИ

Бугун виллоятимизда катта спорт байрами. Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт университетиде кураш бўйича жамоалар ўртасида "Ўзбекистон кубоги" мусобақасига старт берилди.

Эшитмадим, деманглар!



Мазкур мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри ҳамда барча виллоятлардан жамоалар қатнашиши учун ғиламга тушилади. Беллашувлар эркаклар ва аёллар ўртасида 10 дан ортиқ вази тоифаларида ўтказилади.

Бугунги кунда юртимизда спортнинг кураш турига катта эътибор қаратилмоқда. Спортчиларимиз халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришиб, Ватанимиз байрогини кўларга кўтаришмоқда. Яқиндагина Индонезияда ўтказилган Осиё ўйинларида спортчиларимиз кўлга киритган ютуқлардан масрурлик ҳали бизни тарқ этгани йўқ.

Виллоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси берган маълумотларга кўра, мазкур катта кураш мусобақасини юқори савияда ўтказишга пухта тайёргарлик кўрилди.

18 декабрь куни барча қатнашчилар кутиб олиниб, уларнинг машқ қилишлари ва ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шароитлар яратиб берилди. Шу кунги кураш ташлиниб, жамоалар ўз рақибларини билиб олишди.

Дарвоқе, ушбу мусобақа мамлакат тарма жамоаларига захира спортчиларни саралаб бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Ўз муҳбиримиз

«ҲАДОВЧИ, ҚОИДАГА РИОЯ ҚИЛИНГ!»

Бу ҳақда инспектор Феруза Ташова огоҳлантиради

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вази-лар Маҳкамасининг "Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.



Қарор билан ҳаракат иштирокчилари ҳамда йўл-патруль хизмати ходимлари ўртасидаги муносабатлар қай тартибда бўлиши лозимлиги ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиш тартиби белгилаб берилди.

Қарорда, шунингдек, йўл-патруль хизмати ходими томонидан транспорт воситасини тўхтатиш асослари ва тартиби, ИПХ ходимлари ва ҳаракат иштирокчиларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари ҳам белгилаб берилган.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, ИПХ ходими ҳар қандай вазиятда йўл ҳаракати қатнашчилари билан вазмин, ҳушмуомала, одобли ва эътиборли бўлиши, уларга ҳурмат билан "Сиз" деб муносабат қилиши, йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда муомала маданияти ва қонунийликка риоя қилиши шарт.

Мазкур қарор ижросини таъминлашда ИПХ сафларида хизмат олиб бораётган аёл инспекторларнинг роли жуда катта бўлади. Чунки, ҳар қандай эркак ҳам аёл киши билан тортишиб, талашини ўзига эп кўрма-са керак. Яқинда виллоят ИИБ ЙХХБ ИПХ инспектори, сафдор Феруза Ташова Чирчиқ шаҳрида ўтказилган тадбир чоғида узлуксиз оқ чизикни босиб ҳаракатланаётган "Матиз" русумли автотомобилга тўхташ ишорасини берди. Хайдовчи ҳужжатларини олиб унга тақдим этди. Ф. Ташова эса мулоимлик билан унга содир этган қондабузарлигини тушунтирди ва маъмурий баённома расмийлаштирди. Хайдовчи бир оғиз ҳам эътироз билдирмасдан баённомага қўл қўйди. Балки, назоратли аёл инспекторнинг ҳушмуомаласи уни шаштидан қайтаргандир.

Виллоят ИИБ ЙХХБ матбуот маркази

кайфиятини ҳам ошириб боради. Шу боис, муҳокамаларда жиноятнинг түб илдизлари қанчалик чуқур очиб берилса, ҳудудда жиноятлар сони шунчалик камайди.

– Бу каби муҳокамаларга тез-тез қатнашиб тураман, – дейди Юқори Чирчиқ тумани, Юнус Раҳабий номи маҳалла фаоли Отабек Абдурахмонов. – Одам бошқаларнинг хатосини кўриб, ҳулоса чиқаришни ҳам билиши керак. Жиноятчилик қанчалик камайса, аввало, фуқаролар тинчлиги таъминланади.

Виллоятимиз ҳудудларида паспорт тизими қондаларига амал қилиниши юзасидан 394 минг 935 нафар маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 8 минг 193 нафар шахс янгидан профилактик ҳисобга олинди ва 430 нафар шахс мажбурий даволаш муассасасига жойлаштирилди.

Жойларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини самарали ташкил этиш борасида умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртилари ҳамда маҳаллаларда вояга етмаганлар ва ёшлар билан 7 минг 960 маротаба учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида, виллоят бўйича вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 80 тага ёки 54,8 фоизга, вояга етмаганларнинг жиноятлардаги иштироки 80 тага ёки 43,7 фоизга камайишига эришилди. Ангрен, Нурафшон шаҳарлари, Оҳангарон, Бўка туманларида вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилмади.

Абдусалим МАХМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Хусусий эълон
"JASMIN-OMAD" фермер хўжалиги ўз устив жамғармаси 85 000 000 (саксон беш миллион) сўмдан 52 300 000 (эллик икки миллион уч юз минг) сўмга камайганини маълум қилади.

ОБ-ХАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 19 декабрь куни виллоятимизда ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёғингарчилик бўлади (ёғаётган ёмғир қорға айланади). Баъзи жойларда туман тушиши мумкин. Фердан секундига 7-12 метр тезликда эсаяган шамол баъзи жойларда секундига 15-20 метргага қулайиши мумкин. Кечаси 3 даража совуқ, 2 даража илқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Тошкент виллоят
статистика
бошқармаси

Янги йил келяпти, қор кўринмайди...

Тили бўлса...

Тили бўлса эшигим олдидаги ўрикнинг,
Тили бўлса кичкина шу ёғоч ўриндиқнинг,
Сени қандай зориқиб кутганимни айтади,
Тонг оттириб, толиқиб кутганимни айтади!

Осмондаги юлдузлар ойга илашиб кетди,
Кўксимдаги ҳавасга ҳасад улашиб кетди.
Уфқ қизарди, кечаги кетган қуёш кўринди,
Синиққан ёноғимда қотган кўёш кўринди.

Кўринди шу қаро тун эрта эмас, кечмишим,
Ўттизда ўтинлигим, на-да олтишим, етмишим!
Гур-гур ёндим, қулга айланганим оқибат
Лолақизғалдоқ гулга айланганим оқибат.

Гур-гур ёндим, ёнишим уч кунлик бўлиб чиқди,
Алвон япроқларимни шу кеча юлиб чиқди.
Сенга суянганимни шу мушток тун тушундим,
Сенга ким эканимни сен қандоқ кун тушундинг?

Уйдагилар қон ютса, кўчадагилар маймиш,
Дардимни ою қуёш, юлдузлар элга ёймиш!
Аммо тили йўқ ўрик, забонсиздир ўриндиқ,
Ой, юлдузу қуёшга етиб бормас хўрсиниқ...

Онамдан йироқда

Сизни яхши кўраман, ойи,
Аммо буни айта олмайман.
Сизни уйлаб юраман доим,
Ёнингизга қайта олмайман.

Сиз жонимдан ортиқ кўрганим,
Бор-йўғимни беришга тайёр.
Сиздан узокларда юрганим,
Номим сайёҳ, сайёдни, сайёр...

"Сизни яхши кўраман!" демоқ,
Ёнингизда бунчалар мушкул!
Таъмин сезмай ичмоқми, ёмоқ,
Ҳолим ҳоргин, ҳолатим тушқун.

Кўзингизда ёш кўрмай, ойи,
Юрагимни шаршара тилар.
Сизсиз гўё қиёмат қойим,
Дунёларга ўт қўйгим келар.

Меҳрибоним, менинг парвонам,
Сизни жуда яхши кўраман!
Сабру бардош булоғи, онам,
Сизга умр тилаб юраман!

Менинг учун меҳр уммони,
Губорлардан ҳоли чашмасиз.
Менга сиздир омухта жони,
Менга бутун умр ташнамсиз!

Тиқилиб-тиқилиб қарайсан

Тиқилиб-тиқилиб қарайсан,
Хумор кўзларинг қадайсан.
Парвомга олмасам, ўтиниб,
Ўқиниб, ўқиниб қарайсан.

Севгингни сездирсанг, ўргилай,
Сархуш боғ кездирсанг, ўргилай.
Хаёлим жиловлаб, қалбимга
Исмингни ёздирсанг, ўргилай!

Сен мени аввал хўп ўйлатдинг,
Сўнг қалбга эзгу хис ўрнатдинг.
Сен-ла кун фарах, дил фахрли,
Сен менга севишни ўргатдинг!..

Янги йил келяпти, қор кўринмайди,
Ул бепарво васлима зор кўринмайди.

Қорбобо ҳам келмоқда совға-салом билан,
Қорқиз ёнимда, аммо ёр кўринмайди.

Қор бўлмаса бўлмасин, йўлим оқ айлар ёрим,
"Келар!" деган умидим бор, кўринмайди.

Овоза қилай десам армону аламларим,
Пинҳон қўшиқ-қуйим бор, тор кўринмайди.

Ёрсиз ўзим хайронман, юрак-бағри вайронман,
Борин ошқора этсам, ор кўринмайди.

Оташ-аланга билан ўтирган Умидага
Янги йил ҳам бўлмаса, ёр кўринмайди!

Умида АБДУАЗИМОВА

Туғгу



АЖДОДЛАРИМИЗ ДУНЁ НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ва Маданият вазирликлари, халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон – Афғонистон дўстлик жамияти билан ҳамкорликда Темурийлар тарихи давлат музейида "Темурий малика Гавҳаршодбегимнинг ҳаёти ва фаолияти" мавзuida илмий-амалий симпозиум ўтказилди.

Халқаро анжуман

Симпозиумда Ўзбекистон ва Афғонистоннинг давлат ва жамоат арбоблари, тарихшунос олимлар, ёзувчи ва шоирларнинг темурийлар даврининг беназир маликаси Гавҳаршодбегим ҳақидаги муло-

ҳазалари тингладилар. Жумладан, профессор Дилором Юсупованинг "Гавҳаршодбегим ва темурий маликалар", тарих фанлари номзоди Хуршид Файзининг "Гавҳаршодбегимнинг ҳаёти ва фаолияти", афғонистонли олима Фавзия Орол Ҳабибийнинг "Гавҳаршодбегим – Шарқ тамаддуни ва уйғониш даври маликаси", Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг "Гавҳаршодбегим – маърифатпарвар темурий

малика", афғонистонлик олим Муҳаммад Идрис Таваккалнинг "Гавҳаршодбегим – Хирот қизи ва Хуросон маликаси-дир" каби ўндан ортиқ маърузалар тингладилар.

Симпозиум якунида ҳар икки мамлакат вакиллари бундан буён ҳам илмий, маданий ва маърифий соҳадаги алоқаларни янада ривожлантиришга келишиб олишди.

С. ЭШМАТОВА

Қадрли газетхонлар, Тошкент вилоятининг ахборот майдонида янги нашр – "Адабиёт зиёси" газетаси ташкил этилгани билан барчангизни табриклаймиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими томонидан вилоятимиз ҳокимлигининг

теллекул тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, Тошкент воҳасидан етишиб чиққан атоқли

янги газета сизнинг қалб-бингиз, онгу шуурингизга адабиёт, илм-маърифат зиёсини олиб киришга хизмат қилади. Айни пайтда вилоят мактабларида она тили ва адабиёт фанидан фарзандларимизга сабоқ бераётган ўқитувчи-

Диққат, янги нашр:

«АДАБИЁТ ЗИЁСИ»

бевосита кўмаги билан таъсис этилган мазкур газета мамлакатимизда маънавият соҳасига, унинг ажралмас бир қисми бўлган миллий адабиётимиз ривожига берилган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир.

Сиз газета саҳифаларида азал-азалдан ўзининг илм-маърифат, маданият, адабиёт ва санъат соҳасидаги ютуқлари, бетақдор истеъдод соҳиблари билан юртимизнинг маънавий-ин-

шоир ва ёзувчилар, филолог олимлар, уларнинг ижод мактаблари, шунингдек, бугунги кунда уларнинг ишларини давом эттираётган ижодкорлар, истеъдодли ёшлар ҳақида қизиқарли мақолалар, асарларидан намуналар ўқиб борасиз. Бир сўз билан айтганда,

лар учун энг яқин кўмакчи бўлади.

Газета 2019 йил январь ойидан бошлаб чиқа бошлайди ва сиз учун энг ишончли маънавий хамроҳ бўлиб қолади, деб ишонамиз.

«Адабиёт зиёси» газетасига обуна бўлинг!

Газетанинг нашр кўрсаткичи: 7065; ҳисоб рақами: 20212000800945307001. МФО: 00920. ИНН: 207288407

Реклама ўрнида

Тошкент вилояти
Касаба уюшмалари
ташкилотлари бирлашмаси
Кенгаши

вилоятимиз аҳлини қириб келаётган

2019 йил
билан қутлайди.

Янги йилда барга эзгу мақсадларимиз
рўёбга ўткиб, халқимиз фаровонлиги
янада юксалишига тиллақдошимиз!

«G`ALLA-ALTEG»

акциядорлик жамияти

юртдошларимизни
тобора яқинлашиб келаётган

Янги йил
билан самимий табриклайди.

2019 йил барчамизга қувонч,
омад ва бахт олиб келсин!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Хафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. 10 969 нусхада чоп этилди	Қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Масъул котиб: Бўлим муҳаррирлари Шартнома ва эълонлар: Ҳисоб-китоб бўлими:	Телефонлар: 71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс) 71 233-70-10 71 233-55-38 71 233-38-23, 71 233-48-08 71 233-65-59 71 233-54-10	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА Назоратчи мусаввир Аллома АЗИЗОВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ
---	--	---	---	---	--	--